

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМАНОВА ШАХНОЗА АБДУХАКИМОВНА**

**БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КЎНИКМАЛАРИНИ МУЛЬТИМЕДИА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Абдурахманова Шахноза Абдухакимовна**

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал  
кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида  
ривожлантириш..... 3

**Абдурахманова Шахноза Абдухакимовна**

Развитие интеллектуальных умений будущих преподавателей  
профессионального образования на основе мультимедийных  
технологий..... 25

**Abdurakhmanova Shakhnoza Abdukhakimovna**

Development of intellectual skills of future teachers of professional education  
based on multimedia technologies..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМАНОВА ШАХНОЗА АБДУХАКИМОВНА**

**БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КЎНИКМАЛАРИНИ МУЛЬТИМЕДИА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Ped2347 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.iipro.uz](http://www.iipro.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Закирова Феруза Маҳмудовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳамидов Жалил Абдурасулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Раззаков Шавкат Инсанович**  
физика-математика фанлар номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37; e-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Э.Қурбонов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д.,  
профессор

**С.Ю.Ашурова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
п.ф.н., профессор

**Қ.Т.Олимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, п.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашда профессионал таълим мутахассисларини интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш зарурияти юзага келмоқда. ЮНЕСКО бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интерфаол мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш, уларнинг касбий билим ва маҳоратларини ошишига олиб келишини таъкидлайди<sup>1</sup>. Хорижий мамлакатларда илғор педагогик тадқиқотлар билан шуғулланувчи University of Delaware, Coastal Carolina University, Duke University (Америка), University of Salzburg (Австрия) ҳамда масофавий таълим маркази ИСМО РАО<sup>2</sup> (Россия) каби нуфузли таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим мутахассис кадрларни тайёрлаш тизимини модернизациялаш асосида мультимедиа технологияларни қўллаш орқали талабаларнинг интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Дунё микёсида худудлар ва соҳалар кесимида иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўша оладиган ўрта бўғин кадрларини тайёрловчи бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятида замонавий педагогик ҳамда мультимедиа технологияларини тадбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг ностандарт фикрлаш, танқидий таҳлил қилиш, синтезлаш, конкретлаштириш, умумлаштириш ҳамда абстракт фикрлаш орқали мақбул қарор қабул қилиш ва мультимедиа технологиялари воситасида амалга тадбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш жараёнида ўқитиш мазмуни ва ўқув жараёнининг самарали дидактик таъминотини такомиллаштириш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизда профессионал таълим тизими учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, “... таълимни тўлиқ рақамлаштириш, яъни дарс ишланмалар, онлайн тақдимотлар, анимацион дарслар, видеоинструкторлар каби рақамли контентлар яратилиши лозим, бу контентларни жойлаштириш ва барчага қулай бўлган электрон платформалар яратилиши керак, ўқитувчиларда рақамли контент билан ишлаш, уни бойитиш, ўқув дастурларига мослаштириш, ўқувчиларга етказиш, улар билан тескари алоқа ўрнатиш каби янги компетенцияларни шакллантириш” каби вазифаларга катта аҳамият

---

<sup>1</sup> Информационные и коммуникационные технологии в образовании: Монография / Под ред. Б.Дендева. – М.: ИИТО ЮНЕСКО, 2013. – 60 с.

<sup>2</sup> Институт содержания и методов обучения Российской академии образования <http://www.newseducation.ru/news/2/20040823/7468.shtml>

беради. Бу эса, ўз навбатида, бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 7 августдаги ПҚ-466-сон “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг мультимедиа технологияларидан касбий фаолияти жараёнида фойдаланиши уларнинг интеллектуал ва касбий компетенцияларига узвий боғлиқ. Профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлаш, уларнинг касбий кўникмаларини ва компетентлигини ривожлантириш жараёнини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари С.Ю.Ашурова, Р.Ҳ.Джураев, З.К.Исмаилова, Қ.Т.Олимов, М.Б.Уразова, А.Р.Ходжибаев, Ж.А.Ҳамидов, Ш.С.Шарипов, Ш.Э.Қурбонов, О.А.Қўйсинавлар, МДҲ давлатлари олимларидан Ю.Ю.Гавронская, Т.А.Ларина, А.К.Маркова, В.А.Сластенин ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб педагогик фаолиятга тайёрлаш, касбий фаолиятини ривожлантиришда мультимедиа технологияларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Н.Х.Бегматова, С.С.Бекназарова, Д.Н.Маматов, Н.Тайлоқов, О.Х.Тўрақулов, У.Х.Тўрақулов, МДҲ давлатлари олимларидан И.В.Белицын, Н.Н.Головина, В.С.Зайцев, С.Т.Казобекова, А.И.Каптерев, Н.Е.Попова, О.М.Бородулина, Н.О.Ветлугина, хориж давлатлари

олимларидан Zh.S.Drevich, F.Hofstetter, G.Krippel, A.J.McKee ва J.Moody, E.S.Polat ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Интеллектуал кўникмаларни ривожланишга қаратилган масалаларни Б.Бегалов, Н.А.Муслимов, З.Т.Нишанова, Р.И.Суннатова, У.Х.Тўрақулов, Э.Ф.Ғозиевлар, МДХ давлатлари олимларидан О.В.Бахтина, Н.Н.Головина, Н.П.Гончарук, С.А.Лаптева, Р.С.Немов, Ж.Пиаже, С.Л.Рубинштейн, З.В.Сизенцова, М.А.Холодная, В.Д.Шадриков, Г.И.Шорникова ва бошқа бир қанча олимлар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий изланишлари ва манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш муаммосига тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш муаммолари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-23 рақамли “Ўқитувчилар учун мультимедиа дари ишланмалари мажмуасини яратиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

рақамли жамиятда “интеллектуал кўникмалар” тушунчасини фалсафий, психологик ва педагогик нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш, касбий компетентлигини шаклланиш жараёнида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганиш ҳамда умумлаштириш;

касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш босқичларини аниқлаш;

касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантиришга йўналтирилган ўқув топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш ва методикасини такомиллаштириш;

касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантиришга имкон берадиган ихтисослик фанларини ўқитиш усул ва воситаларини мультимедиа технологиялари асосида такомиллаштириш ва самарадорлигини педагогик тажриба-синов орқали текшириб кўриш.

**Тадқиқот объекти** Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари) ва Касб таълими (Компьютер графикаси ва дизайн) бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг интеллектуал

кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқот предмети** бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантиришнинг босқичлари, усули ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида мавзуга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, соҳага доир илмий, илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, сўровнома, тест), тажриба-синов, мониторинг натижаларини математик-статистик қайта ишлаш, натижаларни умумлаштиришнинг комплекс усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини (анализ, синтез, абстрактлаштириш, конкретлаштириш ва умумлаштириш) ривожлантирувчи мультимедиа технологиялари таснифлари интерфаол намойиш ҳосил қилувчи, автоматлашган мультимедиа назорат қилувчи, анимацияли видео роликлар ва интегратив электрон таълим ресурсларни яратувчи воситаларни киритиш орқали аниқлаштирилган;

касб таълими йўналиши талабаларининг мультимедиа технологиялари орқали интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш жараёни интеллектуал-адаптив, интеллектуал-йўналтирувчи, интеллектуал-изланувчи ва интеллектуал-креатив босқичларини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш методикаси ўқув топшириқлар турлари (когнитив, амалиётга йўналтирилган ва касбга йўналтирилган) ва типологияси (типик, диагностик ва прогностик)ни аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш усул ва воситалари ихтисослик фанларини ўқитишда Web-quest методи, мультимедиа электрон таълим ресурсларини яратиш технологиясига асосланган H5P, Biteable, Learningapps ва Plickers ахборот хизматларини татбиқ этиш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув режасидаги ихтисослик фанларидан ўқув дастурлари, ўқув методик таъминоти, жумладан, “Мультимедийные системы и технологии” ҳамда “Технология создания электронных образовательных ресурсов” номли дарсликлар яратилган;

Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари) ва Касб таълими (Компьютер графикаси ва дизайн) бакалаврият таълим йўналишлари “Ихтисослик фанлари” блокада ўқитиладиган “Электрон таълим ресурсларини яратиш технологиялари” фанини мазмуни аниқлаштирилган мультимедиа технологиялари таснифлари ҳамда ўқитиш жараёнида талабаларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари воситасида ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув топшириқлар тизими



асосида такомиллаштирилган ва бу топшириқлар асосида ишлаб чиқилган Web-kevest методи амалиётга тадбиқ этилган;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиали электрон таълим ресурслари ёрдамида ривожлантиришга қаратилган “Интеллектуал кўникмаларни мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш” электрон ахборот-таълим ресурси, “Уч ўлчовли графика” ва “Интернет ва масофавий ўқитиш асослари” номли электрон дарсликлар ҳамда <https://sites.google.com/view/multimedia-technologyalari> сайти ишлаб чиқилиб, унинг мазмунида талаба ва ўқитувчилар учун назарий ва методик тавсиялар келтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога педагогик, психологик ва методик ёндашиш ҳамда республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари тадқиқот ишларига асосланганлиги; тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференция материаллари, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш модели, ўқув топшириқлар тизими, интеллектуал кўникмаларни ривожланганлигини аниқлаш бўйича мезон ва кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган илмий-услубий таклифлар ва тавсиялар профессионал таълимни ривожлантиришда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти профессионал таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талаблари, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштиришга, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланишга, “Мультимедийные системы и технологии”, “Технология создания электронных образовательных ресурсов” номли дарсликлар ва “Интеллектуал кўникмаларни мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш” электрон ахборот-таълим ресурси ўқув-методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантиришга имкон берадиган мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини (анализ, синтез, абстрактлаштириш, конкретлаштириш ва умумлаштириш) ривожлантирувчи ҳамда касбий компетентлигини шаклланишига хизмат қилувчи мультимедиа технологиялари (интерфаол намоёниш ҳосил қилувчи, автоматлашган мультимедиали назорат қилувчи, анимацияли видео роликлар ва интегратив электрон таълим ресурсларни яратувчи воситалар) таснифлари “5111000-Касб таълими (5330400-Компьютер графикаси ва дизайн)” бакалавриат таълим йўналиши малака

талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 744-сон буйруғи). Натижада талабаларнинг интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш тизими такомиллаштирилиб, ўқитиш самарадорлигини ошишига эришилган;

касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантиришнинг интеллектуал-адаптив, интеллектуал-йўналтирувчи, интеллектуал-изланувчи ва интеллектуал-креатив босқичлар ҳамда ҳар бир босқич учун ўқув топшириқлар (когнитив, амалиётга йўналтирилган, касбга йўналтирилган) тизимини ўқув жараёнида самарали қўлланилишига оид тавсиялар “Мультимедийные системы и технологии” номли дарслигини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи, 603-161-сон гувоҳномаси). Натижада профессионал таълим соҳасига мультимедиа технологияларини қўллаш бўйича билим, кўникма ва компетенцияларга эга рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорлиги ошган;

касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантиришга имкон берадиган усул ва воситалари, яъни таълимий Web-kvest методи ҳамда H5P, Biteable, Learningapps ва Plickers ахборот хизматларидан фойдаланиш орқали мультимедиа электрон таълим ресурслари яратилган бўлиб, “Технология создания электронных образовательных ресурсов” номли дарслигини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 19 февралдаги 133-сон буйруғи, 133-237-сон гувоҳномаси). Натижада мультимедиа технологияларидан самарали фойдаланишнинг методик имкониятлари кенгайтирилган ҳамда талабаларнинг ахборот-таълим муҳити ривожланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 2 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (6 та республика ва 5 та хорижий журналларда) чоп этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар учун Интеллектуал мулк агентлигидан 4 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида рақамли иқтисодиёт шароитида профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш зарурияти, бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантиришда мультимедиа технологияларнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантиришда мультимедиа технологияларидан фойдаланиш жараёнида муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритиб берилган.

Рақамли иқтисодиёт шароитида юқори салоҳиятли инсон сифатида фаолият юритиш учун мутахассислар, албатта, интеллектуал кўникма ва малакаларга эга бўлиш керак. Касбий фаолиятда бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал ривожланишига юқори талаблар қўювчи ахборот технологиялар, хусусан, мультимедиа технологиялар ҳалқаро меҳнат бозорида етакчи ўринларидан бирини эгаллайди. Рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий техника билан ишлаш кўникмасини бевосита ишлаш жойида эгаллаш мумкин бўлса, интеллектуал кўникмаларни касбга тайёргарлик жараёнида ривожлантириш керак. Касб таълими йўналиши талабаларини замонавий рақамли жамиятга тайёрлашда, биринчи навбатда, интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш, уларни анализ, синтез, умумлаштириш, конкретлаштириш ва абстракция каби фикрлаш операцияларига ўргатиш бугунги кунда олий таълим муассасасининг асосий вазифалари ҳисобланади. Чунки интеллектуал кўникмалар шахсни ривожланишига таъсир қиладиган фикрлашнинг индивидуал хусусиятидир.

Тадқиқотда Н.А.Муслимов<sup>3</sup>, Қ.М.Абдуллаева<sup>4</sup> ва Р.С.Немов<sup>5</sup> каби олимларнинг “интеллектуал кўникма” тушунчалари мазмунига бўлган турли хил ёндашувлар таҳлил этилиб, касб таълими йўналиши талабаларининг

<sup>3</sup> Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: пед. фанл. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2007. – 23 б.

<sup>4</sup> Абдуллаева К.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: пед. фанл. номз .... дис. автореф. – Т., 2006. – 22 б.

<sup>5</sup> Немов Р.С. Общая психология: Краткий курс. – СПб.: Питер, 2008. – 304 с.

касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида анализ, синтез, умумлаштириш, конкретлаштириш ва абстракция каби интеллектуал кўникмаларини онгли равишда эгаллаш ва мультимедиа технологиялари ёрдамида инструмент сифатида қўллаш олиши лозимлиги асосланди.

Бунинг натижасида, бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг эгаллаши зарур бўлган интеллектуал кўникмалари аниқлаштирилди:

1) анализ: инсон фаолиятининг турли соҳаларида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларни илгари номаълум, аҳамиятсиз, амалда эса фойдали ва тушунарли талқинини аниқлаш;

2) синтез: анализ асосида аниқланган ахборотларни бир бутунга бирлаштириш, ихтиёрий ҳамда тасодифий элементлардан яхлит объект ҳосил қилиш;

3) абстрактлаштириш: бошқа ахборотларга эътибор бермаган ҳолда, маълум бир мазмунга тегишли бўлган ахборотларни ажратиб олиш, яъни маълум бир ахборотни ихтиёрий кўринишда қабул қилиш;

4) конкретлаштириш: абстрактлаштириш асосида ҳосил бўлган ахборотларни аниқлаштириш, умумийлик хусусиятига эга бўлган ахборотларни аниқ кўринишга ўтказиш;

5) умумлаштириш: ахборотларнинг умумий муҳим хусусиятларини ажратиб, бу хусусиятларга эга бўлган ахборотларни умумий синфга бирлаштириш.

Рақамли иқтисодиётнинг замонавий шароитида профессионал таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш устивор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Рақамли технологияларни профессионал таълим тизимида жорий этиш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

таълим поғонасининг бошланғич босқичида ўқувчиларга рақамли технологияларни тақдим этиш орқали рақамли кўникмаларни ўзлаштириш учун имкониятлар яратиш, таҳлилий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, келажакда зарур бўладиган кенг кўламли рақамли трансформация шароитида ёшларга билим ва кўникмалар бериш;

рақамли технологиялари билан боғлиқ йўналишда кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари битирувчилари сонини, рақамли технологиялар соҳасида ўртача даражада компетенцияга эга бўлган профессионал таълими муассасалари битирувчиларини ошириш;

профессионал таълим тизими учун электрон таълим ресурсларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ва жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш.

Бунинг учун эса:

мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган рақамли саводхонликни, танқидий фикрлаш, интеллектуал кўникмаларни ва ижодкорлик компетенцияларига эга бўлиш;

мультимедиа технологияларига асосланган рақамли технологиялар ва замонавий усулларни талабаларининг касбий фаолиятининг барча жабҳаларига татбиқ этиш;

талабалар рақамли иқтисодиёт шароитида таълим олиши ҳамда ишлаши учун эгаллаган билим ва кўникмаларни бойитиш ҳамда касбий компетенцияларни шакллантириш.

Функционал ва методик мақсадга мувофиқ бўлган мультимедиа технологиялари таснифлари таҳлил этилиб, Blended Learning (аралаш таълим) муҳитида интеллектуал кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи мультимедиа технологияларининг таснифлари аниқлаштирилди ва 1-расмда ўз аксини топди.



**1-расм. Мультимедиа технологияларининг таснифланиши**

Юқоридаги вазифаларни ҳал этишга қодир бўлажак профессионал таълим ўқитувчиси “5111000 – Касб таълими (5330400 – Компьютер графикаси ва дизайн)” бакалаврият таълим йўналиши малака талабларида қайд этилган қуйидаги касбий компетенцияларга эга бўлиши лозим, жумладан:

ўқув фанлари бўйича ихтисослик фанлардан замонавий мультимедиа ва педагогик технологияларидан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш ҳамда анализ, синтез, абстракция, конкретлаштириш ва умумлаштириш каби интеллектуал кўникмаларни ўқув жараёнига самарали қўллаш олиш;

ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

профессионал таълими тизимига инновацион таълим, мультимедиа технологияларни ҳамда бошқарув технологияларини жорий этиш.

Тадқиқот муаммосига оид илмий-методик адабиётлар ва касб таълими йўналиши ўқув-меъёрий ҳужжатларни таҳлил натижалари ва амалий иш тажрибамиз бу борада қуйидагилар катта аҳамият касб этишини кўрсатди:

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятларида муваффақиятга эришишни таъминлайдиган интеллектуал кўникмаларни ривожлантиришига эътибор қаратиш;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган замонавий мультимедиа технологияларнинг кенг жорий этиш ва уларни касбий соҳаларида самарали қўллаш.

Буларни ҳал этиш учун ўқув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларнинг интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш бўйича замонавий мультимедиа ва педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан асосланган тавсияларни ва методикасини ишлаб чиқиш зарур.

Диссертациянинг **“Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш методикаси”** номли иккинчи бобида мультимедиа технологиялари ёрдамида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш босқичлари, ўқув топшириқлар тизими ва улардан фойдаланиш методикаси ҳамда касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантиришнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш баён этилган.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларда интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш жараёни ақлий фаолиятни ўзгаришини тақозо қилади. У маълум бир қонуниятларга бўйсинувчи ва миқдорий характеристикалар билан ёритилган (интеллектуал кўникмани бажариш вақти, таклиф қилинаётган алгоритмик кўрсатмалари ва ҳоказо), сифатли ўсишга олиб келадиган, яъни ривожланганликнинг янада юқори босқичига ўтишга олиб келади.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш қуйидаги асосий босқичлардан:

1) интеллектуал-адаптив (талабаларни интеллектуал кўникмани бажарилиш алгоритми билан таништириш ва ҳаракатларнинг кетма-кетлигини эсда сақлаш);

2) интеллектуал-йўналтирувчи (интеллектуал кўникмаларни эсда сақлаш, интеллектуал кўникмаларни алгоритм бўйича бажарилиш кўникмасини ривожлантириш);

3) интеллектуал-изланувчи (стандарт ҳолатда, алгоритмни ишлатмасдан интеллектуал кўникмани бажариш малакасини ривожлантириш);

4) интеллектуал-креатив (интеллектуал кўникмани янги ҳолатларга ўтказиш)дан иборат.

Талабалар фикрлаш кўникмаларини амалиётда қўллай олиши ва бошқа ҳолатларга ўткази олиши уларнинг интеллектуал кўникмаларини ривожланганлигини белгилайди.

Интеллектуал кўникмалар орқали касбий компетенцияларни ривожлантириш нуқтаи назардан олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, интеллектуал кўникмага ўргатиш таълим жараёнидан узилмаган ҳолда олиб борилади ва кўп ҳолларда интеллектуал кўникмалар ўқув топшириқларни бажариш, яъни ўқув топшириқларнинг талаб ва шартларини ажратиш жараёнида ривожланиши асосланди. Ўқув топшириқ талаба томонидан нафақат тушунарли бўлиши, балки унинг касбий эҳтиёжларидан келиб чиққан бўлиши лозим. Тадқиқот доирасида касб таълими йўналиши талабаларида интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш воситаси сифатида “Электрон таълим ресурсларини яратиш технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида бериладиган ўқув топшириқлар тизими танланди. “Электрон таълим ресурсларини яратиш технологиялари” фанидан ўқув топшириқлар тизимидаги талаблар ишлаб чиқилди:

1) интеллектуал кўникмалар ривожланишининг тўртта босқичларида қўлланиладиган топшириқларнинг бир хилда бўлмаслиги;

2) педагогик мақсадга мувофиқлиги;

3) тузилиши жиҳатидан фарқланиши, яъни когнитив топшириқлар, амалиётга йўналтирилган топшириқлар, касбга йўналтирилган топшириқлар:

когнитив ўқув топшириқлар интеллектуал кўникмалар ривожланишининг барча босқичларида қўлланилиб, “Электрон таълим ресурсларини яратиш технологиялари” фанининг ҳар бир мавзусини ўзлаштиришга қаратилган бўлади;

амалиётга йўналтирилган ўқув топшириқлар тушунчаларни аниқлашга, тушунтиришга ва интеллектуал кўникмалар ривожланишининг биринчи учта босқичи учун қарама-қаршиликга эга бўлган топшириқлардан иборат бўлиб, бунда “Электрон таълим ресурсларини яратиш технологиялари” фанини ўзлаштиришни маъносини очишга қаратилган бўлади;

касбга йўналтирилган ўқув топшириқлар эса интеллектуал кўникмалар ривожланишининг, асосан, тўртинчи босқичида қўлланилиб, бунда талабалар шахсий потенциалини ишлатган ҳолда аниқ бир вазиятларда қўйилган муаммоларга мустақил ечим топа оладилар.

Бунда топшириқларнинг типлари интеллектуал кўникмаларни ривожланганлик даражаларига нисбатан аниқлаштирилди ва типологияси шакллантирилди:

**1-тип (типик) топшириқлар** – берилган интеллектуал кўникмани алгоритм кўрсатмалари бўйича бажарилишини талаб қиладиган ўқув топшириқлар, ўқув топшириқни бажариш учун мультимедиа дастурий воситалари тақдим этилади ( $A_{n1}, C_1, A_{b1}, K_1, Y_1, A_{n2}, C_2, A_{b2}, K_2, Y_2$ ).

**2-тип (диагностик) топшириқлар** – ҳар бир интеллектуал кўникмани алгоритм кўрсатмаларини ишлатмасдан бажарилишини талаб қиладиган ўқув топшириқлар, ўқув топшириқни бажариш учун бир нечта мультимедиа дастурий воситалар ичидан энг мақбули танлаб олинади (Ан<sub>3</sub>, С<sub>3</sub>, Аб<sub>3</sub>, К<sub>3</sub>, У<sub>3</sub>).

**3-тип (прогностик) топшириқлар** – интеллектуал кўникмани бошқа ҳолатга ўтказилишини талаб қиладиган ўқув топшириқлар, ўқув топшириқни бажариш учун мультимедиа дастурий воситалар мустақил равишда танлаб олинади (Ан<sub>4</sub>, С<sub>4</sub>, Аб<sub>4</sub>, К<sub>4</sub>, У<sub>4</sub>).

#### 1-жадвал


### Интеллектуал кўникмаларни ривожлантирувчи босқичларга мос бўлган ўқув топшириқлар

Босқичлар	Ўқув топшириқлар типлари	Интеллектуал кўникмалар	Ўқув топшириқлар турлари
Интеллектуал-адаптив	алгоритмик кўрсатмалар	алгоритмик кўрсатмаларини бажара олиш	когнитив
Интеллектуал-йўналтирувчи	1-тип (типик) топшириқлар	анализ (Ан <sub>1</sub> , Ан <sub>2</sub> ) синтез (С <sub>1</sub> , С <sub>2</sub> ) абстракция (Аб <sub>1</sub> , Аб <sub>2</sub> ) конкретлаштириш (К <sub>1</sub> , К <sub>2</sub> ) умумлаштириш (У <sub>1</sub> , У <sub>2</sub> )	когнитив, амалиётга йўналтирилган
Интеллектуал-изланувчи	2-тип (диагностик) топшириқлар	анализ (Ан <sub>3</sub> ) синтез (С <sub>3</sub> ) абстракция (Аб <sub>3</sub> ) конкретлаштириш (К <sub>3</sub> ) умумлаштириш (У <sub>3</sub> )	когнитив, амалиётга йўналтирилган
Интеллектуал-креатив	3-тип (прогностик) топшириқлар	анализ (Ан <sub>4</sub> ) синтез (С <sub>4</sub> ) абстракция (Аб <sub>4</sub> ) конкретлаштириш (К <sub>4</sub> ) умумлаштириш (У <sub>4</sub> )	когнитив, касбга йўналтирилган

Диссертациянинг мазкур бобида “Электрон таълим ресурсларини яратиш технологиялари” фанининг “Электрон таълим ресурсларини анализ қилиш. Электрон таълим ресурсларини белгилаш масалалари ва уни ташкил этиш асослари” мавзусини мультимедиа технологиялар ёрдамида ташкил этишнинг технологик харитаси ва ишланмаси келтирилган. Машғулот давомида H5P, Briteable, Learningapps ва Plickers мультимедиа ахборот хизматларидан фойдаланилиши самарали натижани кўрсатди.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларнинг интеллектуал кўникмаларини мультимедиа технологиялари асосида ривожлантириш жараёни 2-расмда келтирилган.





**2-расм. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг интеллектуал кўникмаларини ривожлантириш жараёни модели**

Ўқув топшириқни бажаришни қуйидаги мураккаблик даражалари тақдим этилди:

1) ўқув топшириқ матнида назарий маълумотлар берилади ва алгоритмик кўрсатмалари келтирилади ( $A_{n1}, C_1, A_{b1}, K_1$ );

2) ўқув топшириқ қисман назарий маълумотларга эга, уни яратиш учун операциялар кетма-кетлиги ва дастурий воситалар келтирилади ( $A_{n2}, C_2, A_{b2}, K_2, Y_2$ );

3) ўқув топшириқда бажариш учун фақат алгоритмик кўрсатмалар берилади ( $A_{n3}, C_3, A_{b3}, K_3, Y_3$ );

4) ўқув топшириқда яратилаётган дастурни талаблари келтириб ўтилади ( $A_{n4}, C_4, A_{b4}, K_4, Y_4$ ).

Ўқув топшириқлар тизими талабаларнинг интеллектуал кўникмаларини ривожлантиришнинг воситаси бўлиб, уларни бажариш учун мультимедиа технологиялари қўлланилади. Мультимедиа воситаларидан Н5Р хизмати интерфаол видеолар, тақдимотлар, ўйинлар, викториналар ва бошқалар кўринишида интерфаол контент яратишга имкон берди. Biteable хизмати ёрдамида талабалар ихтиёрий мавзуда самарали ва динамик видео роликларни тез ва осон яратиш имкониятига эга бўлдилар. Learningapps ёрдамида эса интерфаол топшириқлар яратиш мумкинлиги кўрсатилди.

Маъруза машғулотида қўлланилган Web-kvest методини қўллашнинг технологик харитаси ва ишланмаси келтирилган. Таълимий Web-kvest – бу ролли ўйинлар методининг элементларига эга бўлган муаммоли топшириқ бўлиб, бу топшириқни бажариш учун интернет ресурсларидан фойдаланалади. Web-kvest методи талабаларнинг интеллектуал кўникмаларини ривожлантиришга, касбий компетенцияларни шакллантириш жараёнида ўз устида ишлашни ва фанга индивидуал ёндашишни ўргатади.

Мультимедиа Web-kvest методида видео дарсга интеллектуал кўникмаларни ривожлантиришга ундайдиган саволлар киритилади. Видео дарснинг маълум бир қисми ўзлаштирилгандан кейин, видео дарсдаги кадр тўхтаб савол пайдо бўлади. Бир неча турдаги саволларни бериш имконияти мавжуд. Талаба берилган саволга жавоб бергандан сўнг видео дарснинг кейинги қисми давом эттирилади ва жараён такрорланади. Талаба саволларга жавоб бермасдан видео дарсни тугатиш имкониятига эга эмас. Талаба қандай жавоб бергани ва қанча вақт мобайнида жавоб бергани ҳақидаги маълумотлар ўқитувчининг электрон базасига келиб тушади.

QR-kvest методи ёрдамида бир неча дақиқада талабалар билан фронтал сўров ўтказиш, ҳар бир талаба ва бутун гуруҳнинг жавобларини дарҳол баҳолаш, талабаларнинг интеллектуал кўникмаларини ривожланганлигини аниқлаш имконини беради. Машғулот жараёнида талабаларни тез ва осон баҳолашнинг интерфаол усули сифатида Plickers online тизими танланди. Бу дастур асосини мобил илова, сайт ва печатланган QR-кодлари мавжуд карточкалар ташкил қилади. Plickers дастури ёрдамида ҳар бир босқич учун интеллектуал кўникмаларини ривожланганлик даражаларини аниқлаш ҳамда талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш имконияти очиб берилди.

Тадқиқот давомида касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини ривожланганлигини баҳолашда мотивацион-адаптив, когнитив-йўналтиручи, инновацион-изланувчи, интегратив-креатив мезонлари орқали паст (репродуктив), ўрта (продуктив) ва юқори (ижодий) даражалари аниқланган.

## 2-жадвал

### Касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини баҳолаш мезонлари ва даражалари кўрсаткичлари

Мезон / Даража	Паст (репродуктив)	Ўрта (продуктив)	Юқори (ижодий)
Мотивацион - адаптив	интеллектуал кўникмаларни билади, лекин бажарилишдаги ҳаракатлар кетма-кетлигини айтиб бера ололмайди	ўқув топшириқларни профессор-ўқитувчи ёрдамида ва алгоритмик кўрсатмалар бўйича бажара олади	интеллектуал кўникмаларни намунага қараб ва стандарт ҳолатда қисман бажара олади
Когнитив - йўналтирувчи	интеллектуал кўникмалар ва унинг бажарилишдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳақида тасаввурга эга бўлади	ўқув топшириқларни ўқитувчи ёрдамисиз аммо алгоритмик кўрсатмалар билан бажара олади	интеллектуал кўникмаларни намунага қараб ва стандарт ҳолатда мустақил бажара олади
Инновацион - изланувчи	интеллектуал кўникма ва унинг бажарилишдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳақида тасаввурга эга бўлади, мустақил бажара олади	ўқув топшириқларни ўқитувчи ёрдамисиз ва алгоритмик кўрсатмаларисиз бажара олади	интеллектуал кўникмаларни стандарт ҳолатда бажара олади
Интегратив - креатив	аниқ бир интеллектуал кўникмани бажарилишдаги ҳаракатлар кетма-кетлигини айтиб бера олади	ўқув топшириқларни онгли равишда бажара олади	интеллектуал кўникмаларни ноинтеграл ҳолатда ҳам бажара олади

“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш методикаси” деб номланган учинчи бобида касб таълими йўналиши талабаларининг интеллектуал кўникмаларини ривожланиш самарадорлиги, тажриба-синовнинг ташкил этилиши ва натижаларнинг таҳлили баён қилинган.

Тажриба-синов майдонлари сифатида Тошкент давлат педагогика университети (ТДПУ), Бухоро давлат университети (БухДУ) ва Андижон

давлат унивеситети (АДУ) танлаб олинди. Тажриба-синов ишларида ТДПУдан 146 нафар, БухДУдан 121 нафар, АДУдан 91 нафар жами 358 нафар талабалар қатнашган.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: аниқлаш босқичи (2015-2018 ўқув йили), таъкидлаш босқичи (2018-2020 ўқув йили) ва тасдиқлаш босқичи (2020-2021 ўқув йили).

